

МАМАСОЛИ ЖУМАБОВ

# ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг ўзбек  
тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун  
дарслик сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН»  
2002

83.8(5Ў)я73

Ж 87

**Жумабоев Мамасоли**

Ўзбек болалар адабиёти: Олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. — 242 б.

**ББК 83.8.(5Ў)я73**

Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида ўзбек болалар адабиёти фани ўқитиб келинади. Лекин шу даврга қадар мазкур соҳа бўйича ўқув қўлланма ёки дарслик йўқ эди. Қўлингиздаги китоб шу камчиликни тўлдиришга мўлжалланган дастлабки дарслик ҳисобланади.

Дарсликда болалар китобхонлиги ва фольклори ҳамда ўзбек болалар адабиётининг шу давргача босиб ўтган тарихий йўли, шунингдек, бир қатор болалар ёзувчиларининг ҳаёт ва ижодлари ўз ифодасини топган.

Мухаррир: САИДА МИРЗААҲМЕДОВА

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари доктори, профессор САҲО ОЧИЛ.

Тақризчилар: **Асқар Зуннунов** — педагогика фанлари доктори, профессор


**Ҳамидулла Болтабоев** — филология фанлари доктори, профессор

ISBN 5-640-03062-3

Ў 480306200098 2002  
М351(04)98

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 йил.

## МУАЛЛИФДАН



Президентимиз Ислом Каримов мустақилликка эришибмизки, бизнинг эзгу ниятимиз — келажаги буюк ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган, — деган гапни қўп таъкидлайди.

Ҳа, юртбошимиз орзу қилганидек ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашда катталар адабиётининг ажралмас бир бўлаги бўлган болалар адабиётининг ҳам аҳамияти катта. Болалар адабиёти ўз олдига келажак авлодни жисмонан бақувват, руҳан пок, фикран соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялашдек катта ва мураккаб вазифани қўйганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, ўз олдига катта таълим-тарбия масалаларини қўйган «Ўзбек болалар адабиёти» узоқ йиллардан бери мамлакатимиз олий ўқув юртларида фан сифатида ўрганилиб келинади. Лекин «Ўзбек болалар адабиёти» бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаси йўқ эди. Шунинг эътиборига олиб маълум дастур асосида ушбу дарсликни ёздик.

«Ўзбек болалар адабиёти» дарслик қўлёзмасининг майдонга келишида яқиндан кўмаклашган, амалий маслаҳатларини аямаган устозим Абдулла Суюмов (мархум), Тўхта Бобоев, Ҳакимжон Каримов, Баҳодир Саримсоқов, Сафо Очил, Қозоқбой Йўлдошев, Саид Алимов, Асқар Зуннунов, Ҳамидулла Болтабоев, Тўлан Низом сингари болалар адабиёти фидойиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

## БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ФАНИ, УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

---

Кичкинтойлар учун ёзиладиган ҳар қандай бадий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос бўлиши, улар қалбида чуқур ўй-фикрлар уйғотиши, ёрқин образлар ва юксак ғояларга бой бўлиши, уларни улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантириши зарур. Энг муҳими мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ёритилиши лозим.

Болалар адабиёти ёшларни иймон-этикодли кишилар сифатида ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим мамлакатимизнинг қудратли қуролидир.

Фақат чинакам бадий асарларгина болаларга кучли таъсир кўрсатиб, ана шу юксак талабларга жавоб бера олади. Шу сабабли бундай китоблар педагогик ва психологик нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Болалар китоби бу вазифани бажаришда бадий тилга суянади. Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аниқ, равшон, образли, бой тил билан ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказди.

Буни мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида тилни «кўнгил хазинасининг қулфи», деб таърифлайди. Буюк шоир кишиларни қисқа ва мазмунли, чуқур мантиқ билан сўзлашга чакиради. Бу талаб, шубҳасиз, болалар ёзувчиларига ҳам тааллуқлидир.

Болалар ёзувчиси содда, равшон, қизиқарли ва мазмундор қилиб ёза билиши керак. Бунинг учун эса у халқ тилини пухта билиши лозим.

Равшон тил билан ёзилган бадий асарлар ёш китобхоннинг нутқига ҳам катта таъсир кўрсатади, сўз бойлигини оширади.

Болалар ёзувчиларининг энг яхши китоблари ёш авлодни ҳаётга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади, она-

диёримизга, меҳнатга муҳаббат, замонимизга садокат руҳида тарбиялайди, уларни юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга қақиради. Китоб боланинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради, характери тарбиялайди, илм-фанга муҳаббатини оширади. Китоб халқимизнинг ўтмиши, илғор маданиятимиз, фан ва техникамиз ютуқлари билан таништиради, фахр-ифтихор туйғуларини ўстиради.

Бугунги кунда қудратли қурол бўлган адабиётдан кенг фойдаланмай туриб, янги жамият қурувчисини ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш мумкин эмас.

Болалар китобхонлигини ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги (2 ёшдан 7 ёшгача).

2. Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги (7 ёшдан 11—12 ёшгача).

3. Ўрта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги (13—14 ёшдан 15—17 ёшгача).

### **Мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги**

Бу давр болалар китобхонлиги асосан ота-оналар ва тарбиячилар томонидан амалга оширилади. Хали ўқиш, ёзиш, чизишни бил-

майдиган мактабгача таълим ёшидаги болалар дунё сирларидан беҳабар бўладилар. Шунга қарамай, бизни қуршаган оламни тезроқ билиб олишга, уни ўрганишга интиладилар. Бунда оилада ота-оналар, боғчаларда эса тарбиячилар болаларга яқиндан ёрдам беришлари, яъни уларга бадий асарлардан парчалар ўқиб беришлари лозим. Болаларга ўқиб бериладиган ҳар қандай асарнинг ҳажми қисқа, мазмунли содда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, бундай китобларнинг расмлари ранг-баранг, ҳарфлари эса йирик-йирик бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар тинглайдиган асарларнинг қўпчилигини эртақ, қўшиқ, топишмоқ, мақол, тез айтиш каби халқ оғзаки ижоди асарлари ташкил этади. Бундан ташқари, ёзувчилар яратган ва юқоридаги